

9-10-2020

SPIRITUAL AND EDUCATIONAL FOUNDATIONS OF THE FIGHT AGAINST CORRUPTION (foreign experience)

Salahiddin Sahibov

Teacher of the Department of philosophy of FerSU

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Sahibov, Salahiddin (2020) "SPIRITUAL AND EDUCATIONAL FOUNDATIONS OF THE FIGHT AGAINST CORRUPTION (foreign experience)," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 34.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/34>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

**SPIRITUAL AND EDUCATIONAL FOUNDATIONS OF THE FIGHT AGAINST
CORRUPTION (foreign experience)**

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 9 сон

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январ .uz.u
2. Назаров Қ. Мустақил тараққиёт ва тафаккур янгилиниши // Фалсафий кадрятларнинг мустақил Ўзбекистон тараққиётидаги ўрни. Республика илмий амалий анжуман материаллари. – Т.: 2011. – Б. 9.
3. Конструктивизм // Новейший философский словарь. – Минск, 1999. -С. 679.
4. Абдуллаева М.Н. Конструктивизм эпистемологияда // Глобаллашув шароитида фалсафа ва миллий ғоянинг долзарб масалалари мавзусидаги VI илмий-назарий семинар материаллари. – Тошкент: 2017. –Б. 32-33.
5. Петренко В.Ф. Психосемантика как направление конструктивизма в когнитивной психологии // Когнитивный подход: философия, когнитивная наука, когнитивные дисциплины. М., 2007. - С. 435-463.
6. Келли Дж. Теория личности. Психология личностных конструктов. СПб., 2000. - С. 78.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ

(хориж тажрибаси)

Сохибов Салоҳиддин

ФарДУ Фалсафа кафедраси ўқитувчиси

Аннотация : Ушбу мақолада дунё мамлакатларида коррупцияга қарши курашиш борасидаги илгор тажрибалар, хусусан Австралия, Австрия, Буюк Британия, Хиндистон, Индонезия, АҚШ давлатларида муаммони бартараф этишнинг ахлоқий, маърифий жиҳатлари борасидаги жиҳатлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: жиноят, коррупция, коррупциясиз соҳа, хорижий тажриба, коррупцияга қарши кураш, жамоатчилик фикри, ҳуқуқий саводхонлик, инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш.

ДУХОВНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКИЕ ОСНОВЫ БОРЬБЫ С КОРРУПЦИЕЙ (зарубежный опыт)

Сахибов Салоҳиддин

Преподаватель кафедры философии ФерГУ

Аннотация: В данной статье анализируется передовой опыт борьбы с коррупцией в странах мира, в частности по морально-воспитательным аспектам ликвидации данной проблемы в Австралии, Австрии, Великобритании, Индии, Индонезии, США.

Ключевые слова: преступность, коррупция, антикоррупционная сфера, зарубежный опыт, борьба с коррупцией, общественное мнение, правовая грамотность, права человека, правоохранительная деятельность.

SPIRITUAL AND EDUCATIONAL FOUNDATIONS OF THE FIGHT AGAINST CORRUPTION (foreign experience)

Sahibov Salahiddin

Teacher of the Department of philosophy of FerSU

Annotation: This article analyzes the advanced experience of combating corruption in the countries of the world, in particular on moral and educational aspects of the elimination of the problem in Australia, Austria, Great Britain, India, Indonesia, the USA.

Keywords: crime, corruption, non-corruption sphere, foreign experience, Fight Against Corruption, public opinion, legal literacy, human rights, law enforcement.

Коррупция жамиятни ривожланишига қарши қаратилган ҳаракат сифатида ҳар қандай жамият ва давлатда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни чуқурлаштиришга сабаб бўладиган омил сифатида баҳоланади.

Кўпчилик экспертлар томонидан жамиятда коррупция мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлиб, унга қарши курашиш учун алоҳида чораларни қўллаш самарали ҳисобланмаслиги қайд этилган. Коррупцияга қарши курашишга қаратилган фаолият комплекс-мажмуавий тарзда мунтазам равишда изчил амалга оширилиши яхши натижа бериши мумкин.

Ҳар бир давлат коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг мақсади ва объекти сифатида алоҳида олинган коррупционерга эмас, балки ушбу хатти-ҳаракатларни амалга оширишга шароит яратиб берувчи ҳолатларни бартараф қилиш ва профилактик олдини олиш чораларида намоён бўлади.

Коррупцияга қарши курашиш ишларини ташкил этишда қуйидагиларни инобатга олиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжат-ларини замон ва ислоҳотлар талаблари даражасида такомиллаштириш;
- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамият аъзолари бўлган фуқароларимиз онгида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни мунтазам равишда шакллантириб бориш;
- давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга изчил тадбиқ қилиш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш ва оқибатларини кенг жамоатчиликка тушунтириш, коррупцияга имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;
- коррупцияга қарши курашиш соҳасида ташкилий чораларни илмий ва амалий жиҳатдан асосланган ҳолда ташкил этиш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва бу соҳада халқаро ҳамкорликни изчил йўлга қўйиш.

Ҳар қандай давлатда коррупциянинг ривожланиши давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида салбий таъсир кўрсатади, натижада жамият аъзоларини мазкур давлатнинг органларига бўлган ишончига путур етказишга олиб келади.

Ҳозирги глобллашув даврида ёки жараёнида коррупция муаммоси жаҳоннинг деярли ҳар бир мамлакатада мавжудлигини кўриш мумкин. Аммо бу -

барча давлатларда ҳам коррупция бир хил деган маънони англатмайди. Экспертларнинг хулосасига кўра, коррупциянинг вужудга келиш сабаблари турли мамлакатларда турли хил бўлиб, тарихий ривожланиш босқичи ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг мавжудлиги ҳамда тараққиёт даражаси билан белгиланади.

Бир қатор ривожланган мамлакатларда давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам беришга қаратилган маъмурий нормалар мажмуи ишлаб чиқилган.

XX асрнинг 90 йилларидан халқаро ва минтақавий доираларда коррупцияга қарши кураш билан боғлиқ халқаро шартномалар қабул қилина бошланди.

Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича кўп томонлама халқаро ҳужжатлар қабул қилинган:

- Америка давлатлари ташкилоти томонидан 1996 йил 29 март куни қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш бўйича Америка конвенцияси”;

- Европа иттифоқи Кенгаши томонидан 1997 йил 21 ноябрда Европа ҳамжамиятининг мансабдор шахсларига ёки Евро иттифоқига аъзо давлатларнинг мансабдор шахсларига дахл қилган коррупцияга қарши курашиш бўйича Конвенцияси;

- Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан 1997 йил 21 ноябрда қабул қилинган Халқаро тижорат амалиётларида хорижий мансабдор шахсларга пора беришга қарши курашиш бўйича Конвенцияси.

- Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси томонидан 1999 йил 27 январда қабул қилинган “Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида”ги Конвенцияси;

- Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси томонидан 1999 йил 4 ноябрда қабул қилинган “Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги тўғрисида”ги Конвенцияси;

- 2003 йил 12 июлдаги Африка Иттифоқининг “Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисида”ги Конвенцияси;

- БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка ҳамда коррупцияга қарши кураш” Конвенцияси;

- МДХ доирасида эса унга аъзо давлатлар томонидан 2003 йил 15 ноябрдаги қарорга мувофиқ, “Коррупцияга қарши сиёсатнинг қонунчилик асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилинганлиги ҳам коррупцияни жамият ривожланишига қарши қаратилган иллат сифатида унинг қанчалик хатарли эканлигини кўрсатади.

Давлат ҳокимияти органларининг коррупциянинг зарарли таъсиридан сақлаш зарурияти АҚШ ҳукуматини коррупцияга қарши курашни XIX асрдаёқ давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилашга олиб келган.

1978 йилда АҚШ Конгресси “Ҳукуматдаги ахлоқ тўғрисида”ги қонунни қабул қилган. Ушбу қонуннинг вазифаси давлат амалдорлари ва муассасалари ҳалололигини сақлаш ҳамда бунга имконият яратишдан иборат[1].

Канаданинг жиноят қонунчилигида “мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириш”, “Ҳукуматни алдаш”, “мансабдор шахс томонидан содир этилган

ишончни суистеъмол қилиш” мансабдорлик жинойтлари ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

1985 йил Канадада давлат хизматчиларининг хизмат вазифалари ва шахсий манфаатлари ўртасидаги зиддият юзага келган ҳолда улар амал қилиши шарт бўлган ҳуқ-атвор қоидаларини ўзида мужассам қилган Кодекс қабул қилинган.

Канадалик қонун ижодкорларининг фикрига кўра, ушбу қонунлардан кўзланган мақсад – давлат аппарати ва давлат хизматчиларининг ҳалоллигига жамиятнинг ишончини оширишга қаратилганлигини қайд этишади.

Давлат хизмати тизимида коррупцияни олдини олиш, унга қарши курашиш ва барҳам бериш мақсадида Францияда XX асрнинг 90 йилларида сайланган барча давлат хизматчилари ва коррупция таъсирига берилиши мумкин бўлган жамоат хизмати кадрларига ўз мол-мулки ва даромадлари ҳақида тегишли давлат идораларига маълумот бериш мажбуриятини юклаш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Шунингдек, давлат аппарати юқори мартабали ходимларининг даромадлари ва мол-мулки ҳақидаги декларациялар кенг миқёсда ошкор этилишини таъминлайдиган ҳуқуқий ва ташкилий асослар қонун ижодкорлиги асосида яратилган.

Коррупцияни олдини олишнинг назарий пойдевори “таълим, хабардорлик ва тарғибот” (Education, Awareness and Advocacy) тамойилларига асосланиб, амалий томондан эса “самарадорлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик” (effectiveness, transparency, accountability) тамойиллари асосида аниқ давлат сиёсатини ишлаб чиқишдан иборат. Бу борада давлат сиёсати дунёда (хусусан, Сингапурда) “one size fits all” (“барча учун бир хил мезон”) тамойиллари ишлаб чиқилган ва ўзининг ижобий натижасини берган[2].

Австралияда ҳукумат тузилмалари фаолиятини назорат қилиш Австралия миллий жамоат ташкилотлари, парламент ва оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади. Ҳар қандай фуқаро бундай комиссияга шикоят қилиш ёки давлат мансабдор шахси томонидан содир этилган коррупция ҳаракати ҳақида хабар бериш ҳуқуқига эга. марказлаштирилган Австралияда федерал тузилма ёки коррупцияга қарши кураш органларининг

Бу ерда коррупцияга қарши асосий таълим дастури Австралия Миллий университети (Канберра) давлат сиёсати факультетида бўлиб ўтадиган “коррупция ва унга қарши кураш усуллари” мавзуидаги махсус курсдир. Тренинг давомида тингловчилар коррупция ҳодисасига турли ёндашувлар ва унинг намоён бўлишига қарши кураш усуллари билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Бундан ташқари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва мактабларнинг юқори синф ўқитувчилари учун махсус курслар ҳам мавжуд. Ушбу таълим дастури глобал таълим маркази томонидан таклиф этилган.

Австрияда ҳам коррупцияга қарши кураш соҳасида уч ҳафталик малака ошириш курси мавжуд. Ўқитувчилар сифатида, қоида тариқасида, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, олимлар, психологлар, иқтисодий жинойтларга қарши курашиш соҳасидаги мутахассислар таклиф этилади.

Австрия федерал коррупцияга қарши кураш бюроси ходимлари 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар учун “коррупцияга қарши тренинг” лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Бошлангич лойиҳа шакли талабалар ва эксперт-психологлар, социологлар, адвокатлар, криминологлар ва ўқитувчиларнинг фикрлари билан тўлдирилди. Лойиҳа талабаларни коррупцияга қарши курашиш ва иқтисодий жиноятлар тушунчалари ва коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари билан таништириш учун мўлжалланган. Шунингдек, талабаларга коррупция билан тўқнашувда ва фуқаронинг ушбу ҳодисага қарши курашишдаги роли тўғрисида хатти-ҳаракатлар намойиш этилади.

Тренингнинг бошқа қисмида мактаб ўқувчиларига ўйинлар таклиф этилади: ҳар бир ўйин ўқувчи томонидан картани танлаш асосида амалга оширилади, унга роли тушунтирилади. Асосий мавзулардан бири сифатида мактабдаги совгалар мавзусига тўхталиб ўтилади. Тренинг сўнггида талабалар тренингнинг назарий қисмида ўрганилган маълумотларни ўз ичига олган сўровномаларни оладилар. Иштирокчилар коррупцияни аниқлаб олишлари, унинг сабаблари ва оқибатларини, шу жумладан, ҳуқуқий масалаларни тушунтиришлари ва коррупцияга қарши кураш бюросининг фаолияти ҳақида гапиришлари керак бўлади.

Ушбу тренингнинг мақсади юқори синфдаги мактаб ўқувчиларининг фуқаролик жавобгарлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари ва жамоат бурчларини тушунтиришдан иборат. Ўтказилган тренинг ёш томошабинлар, яъни 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун кенгайтирилиши режалаштирилган.

Ҳар йили Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги элчихоналарида коррупцияга қарши кураш бўйича семинарлар ташкил этади (шу каби тадбирлар сўнгги йилларда Буюк Британия, Хитой, Россия, Аргентина, Таиланд, Сингапур, Мексика, Испания ва Бирлашган Араб Амирликларининг дипломатик миссияларида ўтказилди). Дипломатик лавозимларга тайинланган дипломатлар учун икки кунлик интенсив курслар ташкил этилади, улар доирасида коррупцияга қарши кураш соҳасидаги мутахассислар ТИВ ходимлари билан шахсий интервьюлар ўтказадилар ва коррупцияга қарши кураш бўйича ёзма ишларни текширадилар.

Халқаро тараққиёт вазирлиги ва Буюк Британия савдо ва инвестициялар агентлигининг қўшма лойиҳаси доирасида коррупция фактларини аниқлаш бўйича махсус дарслик чоп этилди, бу мажбурий равишда хорижий мамлакатлардаги савдо ваколатхоналари ва элчихоналарга юборилади.

Буюк Британияда коррупцияга қарши курашнинг бош органи — катта миқдордаги фирибгарлик бўйича кураш бошқармаси (СФО, Serious Fraud Office) ҳисобланади[3].

Буюк Британия коррупцияга қарши кураш сиёсатида давлат таълимининг яна бир хусусияти аҳолининг эътиборини ички коррупция муаммосидан қасддан чалғитишдир. Давлат коррупцияга қарши курашиш соҳасида таълим дастурларининг ташқи йўналишини сўзсиз қўллаб-қувватлайди.

“Қашшоқликка қарши муҳандислар”, “Бош инфраструктура коррупцияга қарши кураш маркази” ва бошқалар каби “Transparency “Британия коррупцияга

қарши кураш форуми”, нодавлат ташкилотлари Лондоннинг коррупцияни глобал бартараф этиш гоёсининг энг фаол намоёндалари ҳисобланади. Кўпинча Британия нодавлат ташкилотлари давлат органлари, бизнес ва хорижий давлатларнинг фуқаролик жамияти институтлари учун коррупцияга қарши таълим дастурларини беғаразлик асосида амалга оширмақдалар.

Ҳиндистонда университетларда коррупцияга қарши қонунлар, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти асосан ижтимоий-иқтисодий жиноятлар бўйича ўқув курслари доирасида ёки “оқ ёқа” жиноятлари ёки жиноят-процессуал кодекси доирасида, яъни алоҳида курслар сифатида ўқитилмайди. ва коллеж коррупцияга қарши таълим дастурлари мавжуд эмас. Юридик мактабларида Ҳиндистонда коррупция муаммоси узоқ вақт давомида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мутахассисларнинг фикрича, коррупцияга қарши курашнинг кам самарадорлиги сабабларидан бири аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги етарли эмас. Ҳиндистон

Муаммони ҳал этишнинг таъсирчан механизмларини яратиш мақсадида Марказий комиссия томонидан миллий коррупцияга қарши кураш стратегияси лойиҳаси тайёрланди. Ушбу ҳужжатда коррупциянинг олдини олиш ва аҳоли ўртасида порахўрликка нисбатан муросасизлик муносабатларини шакллантириш учун тегишли таълимнинг ўрни муҳимлиги таъкидланади.

Марказий тергов бюроси Академиясида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун коррупцияга қарши кураш бўйича махсус курслар ўқитилади.

Индонезияда коррупцияга қарши кураш 2002 йилда ташкил этилган коррупцияга қарши кураш комиссияси (Komisi Pemberantasan Korupsi) ёрдамида давлат даражасида амалга оширилмоқда. “Коррупцияга қарши кураш комиссияси тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ушбу орган фаолиятининг асосий йўналишларидан бири аҳоли ўртасида маърифий тушунтиришларни олиб бориш ва фуқароларнинг коррупцияга қарши хатти-ҳаракатларини шакллантиришга қаратилган таълим дастурларини амалга оширишдир[4].

Мамлакат таълим муассасаларида коррупцияга қарши дастурлар коррупцияга қарши кураш комиссиясининг Индонезия Миллий таълим вазирлиги билан ҳамкорлигида амалга оширилади. Тегишли курслар ихтиёрий равишда мактаблар ва университетларнинг ўқув дастурларига киритилади ва факультатив равишда олиб борилади. Уларнинг етакчи ўқитувчилари ва ўргатувчилари (инструкторлари) Жакарта ва бошқа бир қатор шаҳарлардаги коррупцияга қарши кураш комиссиясида олдиндан ўқитилмоқда. Ҳозирги вақтда коррупцияга қарши таълим дастурлари мамлакатнинг 33 та вилоятларидан 11тасида амалга оширилмоқда.

Ушбу дастурлар болалар боғчасидан бошлаб таълимнинг барча босқичларини қамраб олади. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болалар “коррупцияга қарши тўққиз қадриятлар” (ҳалоллик, меҳнатсеварлик, жасорат, масъулият, мустақиллик, адолат, интизом, камтарлик, эътибор) шаклланишини рағбатлантирадиган тематик китоблар (эртақ ва чизик романлари), стол ва роль ўйинлари орқали коррупцияга қарши кураш руҳида тарбияланади. Ўрта мактаб ўқувчилари ва талабалар учун дарслар анъанавий тарзда маърузалар, семинарлар, мунозаралар шаклида ўтказилади.

Американинг бошланғич ва ўрта мактабларида ижтимоий этика бўйича машғулотлар олиб борилмоқда.

АҚШ расмий ахлоқий идораси ўз веб-сайтида ижро этувчи органларда ходимлар учун зарур ахлоқий фазилатларга эга бўлиш ҳақида маълумот беради. Деярли барча АҚШ федерал органларида мунтазам равишда (одатда йилига бир марта) коррупцияга қарши кураш бўйича тренинглар ўтказилади.

Кўпгина идораларда суиистеъмолликни аниқлаш учун ички назорат хизмати (Internal Revenue Service) каби махсус бўлинмалар ташкил этилган бўлиб, доимий равишда расмий мувофиқлик масалалари бўйича масъул ходимлар ишлайди, уларга ёрдам ёки маслаҳат учун мурожаат қилинади. Агар расмий шахс нотўғри иш қилган бўлса-да, бунинг учун ички назорат хизмати ходими томонидан олдиндан кўрсатма берилган бўлса, у жазоланмайди. Ушбу қоида беҳосдан хатога йўл қўядиган ҳалол ходимларни рағбатлантиришга қаратилган.

Мамлакатимизда Президентимиз Ш.М. Мирзиёев раҳномалигида амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор вазифаларидан бири коррупцияга қарши тизимли равишда курашиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари, ташкилий тузилмаси ва амалга ошириш стратегияси халқаро ҳуқуқий талабларасосида белгиланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) қўшилиши жамият тараққиётини амалга оширишнинг миллий механизми сифатида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун, Президентнинг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сон қарори қабул қилинди.

Коррупцияга қарши курашишнинг алоҳида институционал тузилмаси сифатида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилиб, ҳозирги кунда мазкур идора UNODC (БМТнинг Наркотик ва жиноятчилик бўйича идораси), UNDP (БМТ тараққиёт дастури) ва OSCE (Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти) каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётганлиги жамиятда коррупцияга қарши курашиш бўйича фуқароларнинг дахлдорлигини кучайтириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурининг қабул қилиниши бу борада давлат сиёсатини амалга ошириш стратегиясининг асосий йўналишларини белгилаб берилиши давлат билан жамият аъзолари бўлган фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш изчил давом эттиришга шарт-шароитлар яоатмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасининг самарадорлигини таъминлашда қуйидагиларни эътибор олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

биринчидан – коррупцияга қарши курашнинг самарадорлигига эришиш модели ишлаб чиқилиб, коррупцияга қарши курашишнинг аниқ ҳуқуқий механизми, самарали институционал тузилмаси, молиявий ва меҳнат ресурслари билан доимий таъминлаб турилиши, мунтазам мониторинг фаолияти ҳамда ҳолис ва шаффоф баҳолаш тизими аниқ қонунчиликда мустаҳкамланиши лозим.

Амалдаги қонунчиликда коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатининг юқоридаги санаб ўтилган ҳуқуқий ва иқтисодий ҳамда ижтимоий элементлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва бир-бирига таъсир қилиш механизми йўлга қўйилмаган. Демак, коррупцияга қарши курашиш бўйича яхлит комплекс тизимнинг узвий ишлашини жамиятда йўлга қўйиш қўйиш унинг самарадорлигини таъминлайди;

иккинчидан – коррупцияга қарши курашиш стратегиясида инновацион ёндашувни самарали қўллаш. Бунда давлат органларининг фуқаролик жамиятининг барча институтлари билан ҳамжиҳат фаол ҳаракатини таъминлаш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишда миллий тузилмаларнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор бериш. Бунда, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида интеграцияга эришишга тўсқинлик қилаётган омиллардан бири – жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини коррупцияга қарши курашиш бўйича моддаларини мукамал ишлаб чиқиш ҳамда коррупцияни келтириб чиқараётган ҳолатларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва коррупцияни олдини олишга қаратилган дастурлар, чор-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ қилишда аниқ статистика ҳамда далилларга асосланган маълумотга таянган ҳолда иш олиб бориш коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади;

учинчидан – жамиятнинг ижтимоий соҳаларида хусусан, тадбиркор-лик, таълим, соғлиқни сақлаш жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларида коррупцияга қарши курашишни янада кучайтириш, коррупция билан боғлиқ айрим хатти-ҳаракатларни барҳам беришга қаратилган дастурлар ижросини барча соҳаларда таъминлаш ҳамда халқаро тажрибани ўрганиш асосида халқаро ҳужжатларда назарда тутилган стандартларни қонунчиликда мустаҳкамлаш яхши натижаларга эришиш имкониятини яратади;

тўртинчи – коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурини ижросини жамиятда таъминланиши ва бу борада тизимли мониторинг қилиш бўйича самарали ҳуқуқий механизмнинг ислохотлар талаблари даражасида ишлаб чиқиш ҳамда давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш қоидаларига риоя қилиш даражасининг талаб даражасидан пастлиги, давлат органлари фаолияти очиқлиги тамойилининг амалда таъминланиши, коррупцияни олдини олишга қаратилган қонунчилик нормаларини халқаро ҳуқуқ талаблари асосида такомиллаштириш жамиятда ижтимоий адолатни ўрнатишга хизмат қилади.

бешинчи – коррупцияга қарши курашишнинг замонавий тенденцияларидан келиб чиқиб амалда реал ишлайдиган стратегияни ишлаб чиқиш асосида замонавий тенденцияга кўра, коррупцияга қарши курашиш масалан мамлакатимизда давлат хизматлари агентлигини ташкил этилганлиги ва халқимизга халқаро талаблар асосида хизмат қилинаётганлиги жамиятда коррупцияга қарши курашишининг янги босқичини бошлаб бериб, фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш дахлдорлигини оширишда муҳим қадамлардан бўлаётганлигини қайд этиш ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш;

олтинчидан – коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш ишларини ташкил этишда жамият аъзолари бўлган фуқароларимизни фаол

иштирокини кучайтириш, коррупцияга тегишли бўлган маълумотларни ўрганиш имкониятини яратиш, янги технологиялардан фойдаланган ҳолда коррупция ҳолатлари ҳақида ахборот бериш, коррупцияга оид муаммоларни ҳал қилиш ва бартараф этишда жамоатчилик назоратини таъминлашнинг изчил тизимини яратиш ва ҳаётга тадбиқ қилиш;

етинчидан, Ўзбекистонда ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашишда соҳанинг хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашиш, коррупция ҳолатлари олдини олишга қаратилган янги инновацион усуллари ишлаб чиқиш ва қўллаш, коррупция ҳолатларини экспертизадан ўтказиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш жамиятда коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш жамиятни қонуний ривожланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган манбалар:

1. <http://ngo.uz/> Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш: фуқаролик жамияти тараққиётини кафолатлайди.
2. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашда қайси йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш керак? Бахшилло Хўжаев, Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти директор ўринбосари в.б. Kun UZ 2019 йил 22 январь
3. <https://www.sfo.gov.uk/> The SFO investigates and prosecutes serious or complex fraud, bribery and corruption.
4. <https://republika.co.id/>. Sebuah Kemunduran dari Pengalihan Pegawai KPK Sebagai ASN

УМАР ХАЙЁМ РУБОЙЛАРИНИНГ ТАЛҚИН ВА ТАВСИФИ.

Шодиев Жаҳонгир Жўракулович
Бухоро Мухандислик-технология институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада Умар Хайём рубойларида олам ва одамни фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиб берилган. Хайём рубойларида комилликни талқин этилиши, бугунги кунда комил инсонни шакллантиришда тарбиявий ва маънавий аҳамиятнинг жамиятдаги тугган ўрни, инсон ҳаёти олдидан тугилишу ўлим, қувончу қайғу, орзу-интилишлар намоён бўлиши қайд этилган.

Калит сўзлар: инсон, оламнинг моҳияти, ҳақиқий ишқ, комиллик, баркамоллик, маънавият.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ И ОПИСАНИЕ УМАРА ХАЙЯМА РУБАЙИ.

Шодиев Жаҳонгир Журакулович
Бухарский инженерно-технологический институт
Преподаватель кафедры общественных наук

Аннотация: В статье представлен философский анализ вселенной и человека в рубае Умара Хайяма. В рубае Хайяма отмечается, что истолкование совершенства, роль воспитательного и духовного значения в формировании совершенного человека в современном обществе, проявление рождения и смерти, радости, печали, мечтаний и стремлений перед лицом человеческой жизни.

28	Таълим соҳасида ижтимоий шериклик Алиханов М М	165
29	Оилада ўзаро меҳр муҳитини қадрият асосида шакллантириш жамият тараққиётининг гарови Бозорова Р Ш	172
30	Концептуальные основы развития военной культуры в вооружённых силах республики узбекистан Хашимова Г. И	178
31	Глобаллашув шароитида ўқувчи ёшларда илмий инновацион дунёқарашни шакллантиришда илмий-маънавий меъросни ўрганишнинг аҳамияти Худайназаров Н.Ш.....	184
32	Амир Темур ва Темурийлар даври фалсафаси ҳақида мушоҳада Алиқулов Ҳ	189
33	Илмий тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси Султанова Г.С	194
34	Коррупцияга қарши курашишнинг маънавий-маърифий асослари Сохибов С	198
35	Умар Хайём рубоийларининг талқин ва тавсифи. Шодиев Ж Ж	206
36	Ҳалол кадрлар тайёрлаш тизимини яратишнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари Тожибоев С.П	211
37	Особые аспекты формирования стратегии жизни молодежи Исмоилов Т И	215

10.00.00

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES**

38	Шукур Холмирзаевнинг ҳикоячиликдаги маҳорати Тошпўлатов А	220
39	Мустақиллик даври ўзбек драматургиясида жанрлараро диффузияланиш. Аҳмедова В.А	227
40	Миллий Характер масаласининг жаҳон адабиётшунослигида ўрганилиши Қаюмов А	236
41	Инглиз ва ўзбек тилларида ирригация ва мелиорация терминларининг морфологик таҳлили«инсон нечта тил билса, у шунча одамдир»Гёте Ахмедов О.С, Назарова С.А	241
42	Нишотийнинг “хусн ва дил” достонида муболаға санъати Маматқулов М.Р	247
43	Қанотли сўз, афоризм ва фразеологик бирлик тушунчаларининг ўзаро фарқи Исакова Г. Н	252
44	Социально-лингвистическая репрезентация понятия «учитель» Носирова М.О	258
45	К. Boldikning adabiyotshunoslik terminlari qisqacha oksford izohli lug'atining leksikografik va etimologik tahlili Saidova M U	263